

ГЕННАДИЙ ПРАШКЕВИЧ

ЮРА ДАВРИДАГИ ЖОСУС¹

Рақобатчилар тўғрисида қонуний (биринчидан саккизинчигача бўлган моддалар) ва ғайриқонуний (тўққизинчидан йигирманчигача бўлган моддалар) равишда олинган манбалар рўйхати

1. Процесслар ҳақида оддий йўллар билан олинган эълонлар ва ҳисоботлар.
2. Рақобатчининг собиқ ходимлари томонидан ошкора айтилган маълумотлар.
3. Бозорлар хусусидаги қисқача маълумотлар ва маслаҳатчи муҳандисларнинг докладлари.
4. Молиявий ҳисоботлар.
5. Рақобатчилар томонидан уюштирилган кўргазмалар ва нашр эттирилган брошюралар.

¹ Юра даври — мезозой эрасининг (ер тараққиёти тарихида жуда катта судралувчилар, қилтаноқли балиқлар, қушлар, сут-эмарлар, баргли ўсимликлар пайдо бўлган даврнинг) иккинчи даври.

6. Рақобатчилар маҳсулотларининг таҳлили.

7. Коммивояжерлар ва харид бўлимларининг ҳисоботи.

8. Рақобатчининг қўли остидаги мутахассисларни ишга таклиф қилиниши ҳамда улар томонидан маҳсус саволларга ёзма равишда берилган жавоблар.

9. Турли-туман конгресс ва симпозиумларда рақобатчиларнинг мутахассисларига эҳтиёткорлик билан берилган саволлар.

10. Бевосита махфий кузатиш.

11. Рақобатчининг ходимларидан зарур маълумотларни билиб олиш мақсадида ишга ёлғондан таклиф қилиш.

12. Патентлардан бирига лицензия олмақчидек иш тутиб, рақобатчи билан сохта музокаралар олиб бориш.

13. Профессинал саноат жосусларидан фойдаланиш.

14. Рақобатчининг ходимларини оғдириб олиш.

15. Рақобатчининг мулкига тажовуз қилиш.

16. Рақобатчининг харид бўлимлари хизматчиларини пора бериб, ўз томонига оғдириб олиш.

17. Рақобатчининг мутахассислари ёнига жосусларни юбориш.

18. Телефондаги гапларни тинглаш.

19. Чизмалар, нусхалар, намуналар ва ҳужжатларни ўғирлаш.

20. Дўқ билан қўрқитиб товлаш, шунингдек, тазйиқ ўтказишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланиш.

«Кемикл инжиниринг», 1965 йил, 23 май.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ПАРКНИНГ МАШИНАСИ ОЛИБ ҚОЧИЛСИН!

...Консултация маҳкамаси бўйича чиқарилган бўйруқ бакелит — синтетик смолали лавҳага ёпиштириб қўйилганди.

«Муҳандис Ж. К. Беррименга навбатдан ташқари отпускаи берилсин». Отпускаи!..

Мени кўриб тошдек қотиб машинистка Жоан

Стайлз (йигирма беш ёшда, Консультация маҳкамасида бугун еттиъ ги кун ишлаши, янги иш жойидан қўрқади, бева, боласининг отаси — автомеханик Ричард Стайлз автомобиль ҳалокатида ажал топган) ёнидан ўта нохуш туйғулар оғушида ўтган ҳам эдимки, қабулхонанинг нақ эшигида шефнинг секретари Гелена Жукс билан тўқнашиб кетдим (унинг номи пок, ўзи ҳушёр ва жудаям ақлли бўлиб, театр — жон-дили эди, лекин бу унинг ишларига халал бермасди).

— Сизни кутишяпти, — деди Гелена.

Унга бош силкидим-да, қабулхонага кирмай, устахонага — малла радист Штайбергнинг масканига қараб кетдим. Бошим лўқиллаб оғриётганди. Кеча кўпроқ ичиб қўйганим ҳолимни жуда танг қилган, бироқ, афсуски, спиртли ичимлик мени ўлгудек диққатпазликдан қутқарганди...

Штайберг тушки овқатга кетган экан. Стол устида минерал сув шишалари қаторлашиб турарди, ҳаммаси бўш... Жаҳл билан тупуриб, сигарета татдим.

Жек Берримен худди менга ўхшаган «муҳандис» эди. Консультация маҳкамасининг ахборотномаларида ҳеч ким бизни «саноат жосуси» деб ёзмайди. Одатда, қабул қилинган умумий сўзлар билан кифояланади. Бизнинг қизиқадиган нарсаларимиз ҳам ўзига етарлича «оддий»: пойга машиналарининг мотори, кимё, электроника... Бизни ҳамма нарса қизиқтиради... Дарвоқе, худди шу кимё — чамаси, литий батареялари деб, Берриманнинг синглиси Жой «куйиб қолди». Муваффақиятсизлик (ўшанда у шок ҳолати билан қутилганди) Жойга таъсир қилди шекилли, зарур қоғозларга қўл қўйиб (шубҳасиз, Жекнинг ёрдами туфайли), Консультация маҳкамасини тарк этган (бу — камдан-кам учрайдиган ҳодиса!) ва эндиликда «Трэвел» фирмасига қарашли барда аллақандай бир узоқ қариндошига кўмаклашаётганди. Унинг бу иши ҳассос акасининг меҳрини товлантлар, мени эса тўғридан-тўғри ғашимни келтирарди.

Жек ҳам, мен ҳам — икковимиз рақобатчилардан маълумотларни қўлга киритиш воситалари рўйхатидаги ўн учинчи модда асосида ишлардик. Тан олиб айтиш керакки, ўн бешинчидан йигирманчигача бўлган моддалар ҳам бизга тааллуқли эди...

Мана шунинг учун ҳам муҳандис Беррименга навбатдан ташқари отпускаи берилиши фавқулодда эканлиги билан мени ҳайратда қолдириб, нохуш кайфият уйғотганди. «Трэвел» — шефнинг топширигига биноан Жек худди ана шу фирмага кириб борганди — беҳавотир фирмалар қаторига кирмасди. Мабодо Берриман таъқиқланган жойда ёинки белги-ланмаган вақтда соқчиларнинг кўзига ташланиб қолган бўлса, унинг ҳолига ҳавас қилмасдим.

Фармацевтлар иши, Эксперт иши, «СГ» комбинати иши — мен бажарган бу ишларим учун фахрлансам арзийди. Лекин икки жосусимизнинг — аввал, Данвилнинг («Ле Роя» иши бўйича), энди эса Жекнинг муваффақиятсизликка учраши мени ҳушёр торттирмай қолмасди. Чарчагандим. Ҳамишанги бир хил, кишини чарчатадиган қўрқувни бошимдан кечириётгандим. Бу — ортиқча гап гапириб юборишдан қўрқиш эди. Бу — ортиқча ҳаракат қилиб юборишдан қўрқиш эди. Бу тасодифий учрашувлардан қўрқиш эди... Консултация маҳкамаси томонидан мамлакат ичкарасида ўтказилган бир неча муҳим ишларни муфассал тушунтириб берувчи бир жуфт магнитофон лентасини бир йилдан бери махфий сейфда яшириб келаётгандим. Бу ёзувларнинг нархи осмонда эди, улар бир неча соат ичида бутун Консултация маҳкамасининг кулини кўкка совориши мумкиниди, лекин шунга қарамай ҳатто шу ишга ҳам — ўзимнинг озодликда қолишимга! — ҳеч журъат этолмасдим... Қўрқув! Бутун вужудимни қамраб олган қўрқув!.. Кутиш, тасодифга умид қилиш, ўзимни жудаям ёмон сезганимда шишага ружу кўйишигина қолганди...

— Сизни кутишяпти! — эшикни қия очиб, такоррлади Гелена.

Бошимни силкидим.

— Бунақанги кўп ичиш керакмас, — ғоятда ташвишланиб, маслаҳат берди у. — Инсонда жигар битта бўлади.

2

Шефнинг йиғма кабинети шундоққина қўл етгудек жойда эди, лекин йўлакни кесиб ўтишдан олдин сигаретни охиригача чекдим. Уни кулдонга улоқти-

раётганимда қўлим қалтираб кетди. Ичимда сўкиниб, «синаб кўриш» хонасига — деворлари оғир пўлат тунукалар билан қопланган машқ залига ўтдим.

Қўшалок тросга янги нишон — эгилганча чошиб кетаётган одамни маҳкамлаб ёпиштирдим-да, ўзимдан қирқ қадамча олдинга узоқлаштириб, пультанинг ёнига бордим... Уттиз саккиз калибрли тўппончадан бешта, «Магнум»дан бешта ўқ уздим — гилзалар пластик тўсиққа урилиб, жаранглаган овоз чиқарди.

Қўлларим ҳали ўз ҳолатини ўзгартирмаганиди! Тешиклар нишоннинг нақ ўртасида, тил тортирмай ўлдирадиган «К-2» қисмида жамланган эди.

— Чакки эмас! — таҳсин ўқиди Гелена, эшикни қия очганча. — Лекин сизни кутишяпти-да!

3

— Эл! — деди шеф, қўлини салфетка билан артганича. — Жудаям қўланса ҳид келаяпти сендан, лекин бу бор-йўғи керосиннинг ҳиди.

Шеф қариб қолибди. Кўзлари бир-бирига яқин жойлашган башарасининг териси осилиб, лунжлари сўлжайган, аммо кўзлари ҳамишангидек завқ-шавқ билан ёниб турарди. У стол томонга боши билан имо қилди.

— Янгилик! Эътибор бер!

Тикандек санчилувчи микроскопик золдирчани бармоқларимда аранг ушлаб қолдим.

— Ҳатто силлиқ нарсаларга ҳам илиниб қолади, — кибр билан тушунтирди шеф. — Миттичамизнинг овозини эса, 80 дан 90 мегагерцгача бўлган диапазонда ишловчи ҳар қанақанги приёмник орқали эшитиш мумкин. Муаллифими? — У илжайиб қўйди. — Бизнинг дўстларимиз!..

Сигарета тутатиб, орқамга ўгирилдим-да, деразадан қарадим.

Ҳали барвақт эди, лекин шунга қарамай минглаб автомобиллар бир-бирларига тикилиб, шаҳарнинг тош дарралари бўйлаб аллақачон гуриллашга тушганди. Кўлранг смог булути — турли чиқиндилар билан заҳарланган ҳаво бинолар қиёфасини ноаниқ кўрсатар, бу ердан ҳатто рангли реклама лавҳалари ҳам хира тортгандай туюларди.

— Берримен қайтиб келмади, Эл!

Орқамга ўгирилмай (бу ҳеч нарсани ўзгартира олмасди), сўрадим:

— Тафсилотлари-чи? — Шундай деб, мушти-мимни тугиб, кумуш узугимга ўрнатилган магнитофонни қўйдим.

— Берримен «Трэвел» фирмасига кириб борганди.

— Тушунарли, — дедим. — Ер усти комплекси, бошқаси — унга икки баробар келадигани эса — ер остида. Пойга машиналарининг мотори. Қўриқланиши даражаси — «люкс». Жек бу ишга қўл уришни истамаганди.

— Кўнглингдаги гапни очиқ айтганинг учун раҳмат, Эл. Мен Жекка о т п у с к а бериш тўғрисидаги буйруққа имзо чекдим.

— Муваффақиятсизликми?

— Ҳа.

— Электрон пост, — овозимни чиқариб эсладим. — Тўртта муҳим пост. Телеаппаратура. Ўзига мустақил соқчилар... Жек қайси постдан ўтолмаган?

— Буниси бизга қоронғи.

— Агтанг, — дея гапимни яқунладим... Бу сўз ҳеч нарсани англамасди. Лекин отпускаи деб таърифлаш ҳам иш моҳиятини очиб бермасди. «Муддатсиз отпускаи» — бу аниқроқ ифода эди.

— Тафсилотлари қандай?

— Бизнинг бор-йўқ билган нарсамиз — Жек қандайдир постлардан ўтган. Эҳтимол Жек сейфнинг ёнида қоқилгандир... Биз у йўқотиб қўйган қўйин дафтарчасини сотиб олдик. Жудаям қимматга тушди у. Лекин мен, Эл, ўз йўқотишларимизнинг ўрнини тўлдирамиз, деган умиддаман.

— Қўйин дафтарчада очқич борми?

— Буни ўзинг синчиклаб текшириб кўришингга тўғри келади, Эл!

— Иш амалга ошишини талаб қиляпсизми?

— Ҳа, «Трэвел» конструкторлари бош қотираётган машина ғилдиракли барча транспорт воситаларини чиппакка чиқариши тўғрисида маълумотлар бор. Автомобиль ва темир йўл компаниялари бизнинг ёрдамимизга бошқаларга нисбатан кўпроқ таянишганини унутма. Биз улардан м и н н а т д о р м и з.

— Лекин «Трэвел» фирмасининг синов полигони

бор-ку ахир. Шундай бўлгач, нима учун ишни сейфдан бошлаш керак?

— Полигон — ниқоб. Полигондаги машиналар — чалғитиш учун. Машинанинг ҳақиқий нусхаси — сейфда. У ҳатто ўша ерда, пўлат камера ичида синовдан ўтказилаётган бўлса ажаб эмас.

— Ишни қачон бошлаймиз?

— Эртага!.. Ҳозирча эса мана буни ўрганиб чиқ, — шеф менга Беррименнинг қўйин дафтарчасини узатди, мен уни дарров танидим. — Ҳар бир варағини синчиклаб кўр. Жек ўз дафтарчасини бирор мақсадни кўзлаб йўқотгани мустасно эмас. Ҳар бир белгини, ҳар бир тузатилган сўзни ўрганиб чиқ. Сен Беррименни, унинг усулини биласан. Энг диққатли экспертнинг эътиборидан четда қолувчи нарсани сен пайқашинг мумкин. Сени эрталаб кутаман, Эл.

Эшик томонга юрган ҳам эдим-ки, шеф кулимсиради:

— Езиб олишга улгурган ёзувларингни ўзимнинг олдимда ўчириб ташла...

4

Етти йил мобайнида биронта ишни бой бермагандим. Фақат Леслигина... — ўшандан бошқа ҳеч ким мени чалиб юборишни уддалай олмаганди. Эҳтимол, кимёгарлардан бошқа ҳеч ким мени қийин аҳволга солиб қўймагандир. Бошқалардан фарқли ўлароқ, ҳамиша омадим келган. Лекин барибир бу омад бир умр кулиб боқмайди-ку — Беррименнинг муваффақиятсизликка учраши менга биринчи огоҳлантириш қўнғироғидек жаранглаб эшитилди... Лекин борадиган жойим ҳам, маслаҳатлашадиган одамим ҳам йўқ эди. Биронта тирик жон турар жойларимни билмасди, биладиганлар эса мен билан гаплашишни хоҳламасди. Тўғри, яна Хэссоп — ҳарбий врач, кекса, ниҳоятда сергап одам бор эди. У истеъфога чиққач, расмлар коллекциясини тўплаган ҳамда пойтахтнинг серҳашам районларидан бирида ҳашаматли квартирани ижарага олганди. Хэссоп шефнинг энг яқин дўсти бўлиб, Консултация маҳкамасига бир неча марта ёрдам берганди. Мен билан эса уни қардошларча муносабатга ўхшаш нимадир ўзаро боғлаб турарди — худди мана шу Хэссоп

менга жосуслик билан боғлиқ ишларни таништириб, унинг нозик жиҳатларини ўргатганди. Бизнинг бир-биримизга ишончимиз шу даражада эдики, вақти-вақти билан Хэссопга ҳаддан ташқари чарчаганимни ёки тасодифий фитнани тан олиб айтиб берардим; бу қарияга доимо бир хилда таъсир қиларди.

Машинани катта тезликда юргизиб, Хэссопнинг уйи томон йўл олдим. Етиб борганимда эса, машинани қўйишга бўш жой тополмадим. Дарвоқе, у билан нима тўғрисида ҳам гаплашардим? Ўзимнинг шефга айтмаган — ўйиндан чиқиш борасидаги истагим тўғрисидами? Жек тўғрисидами? Саноат жосуслиги йўллари-ю, ана шу жосусликнинг ҳомийларининг тақдирини тўғрисидами?..

Бошқа бир ишни маъқул кўрдим — машинани «Комета» бари ёнида тўхтатдим. Жойни кўриш ҳам менга тасалли берарди... Дераза ёнидаги столни эгаллаб, уни кута бошладим.

«Комета»га Нил Формен (қирқ икки ёшда, радио-конструктор, хотинини қўйиб юборган, болалари шахсий «Сеймур» пансионатида дам олишади, учта дарслик муаллифи) танда қўйиб қолгандан сўнг, Жой менинг барга келишим мақбул эмаслигини тўғридан-тўғри айтганди. Жек ҳам бунга шама қилганди (у синглисига жон куйдираётганди), лекин менга Жой ҳам, Жек ҳам ниманидир яшираётгандек кўринганди...

Жин урсин! Жек йўқолди-ю, бутун дунё қувиллаб қолгандек бўлди...

Берримен қўлга тушмайдиган жосуслар хилидан эди. У жуда катта истеъдод эгаларигина муносиб бир неча ишни амалга оширган, мен эсам пешонамга шундай шерик битгани учун тақдиримдан неча-неча бор миннатдор бўлгандим.

Қўйин дафтарчани олиб, уни синчиклаб ўргана бошладим. Биронта белгини, биронта рақамни, биронта ўчириб тузатилган жойни эътиборимдан четда қолдирмадим. Бунақанги машғулот бефойдалигига шубҳаланмай қўйган бир пайтимда эса майда қилиб, шошилиб, бир-бирига қўшиб ёзилган ҳарфларга кўзим тушди: «Элзамонсейфда». Жек менга мурожаат қилапти! У шошилган! Лекин бу ерда замон сўзини ма қилиб юрибди? Умуман замонни сейфда сақлаш мумкинми?.. Илжайиб қўйдим: кимёгарлар во-

кеасидан сўнг мен учун фавқуллодда ҳеч нарса йўқ эди...

Кейин тузоқ тўғрисида ўйладим. Дастхатни ўхшатиб ёзиш қийин иш эмас. Бунинг устига дафтарча бегона қўлларда бўлиб чиққан... Ифвогарликми?.. Эҳтимолдан узоқ... Биринчи ишни таҳлил қилиб кўришга улгурмасдан, иккинчи маротаба душманона ишга ундашдан маъни борми?..

— Салом, Эл!

Жой... У мен томон келар экан, қалтираб кетдим. Кокила-кокила сочлар, қийиқ, маънодор боқувчи кўзлар... Таниш, ёқимли атр ҳидини ҳидлаганча, сўрадим:

— Бўшмисан?

— Фақат сен учун эмас, Эл.

Танглайиму тилимда металлнинг нордон таъмини сездим — бунақанги таъми неча марталаб ҳис қилганман-а!.. Шефнинг янгиликларидан биронтасини Жойнинг кийим-кечагига ёинки чойшаб, ёстиқ жилдларига ёпиштириб қўйиб, унинг дўстларининг «чангини қоқиб қўйиш» учун кўп марталаб имкониётга эга бўлгандим, бироқ Жек, кейин... Жойдан айрилиб қолишни истамаганим мени бу ишдан тўхтатиб қолганди... Шундай қилиб, бирон марта ҳам унга тиркалмагандим...

— Жекни кўрдингми? — деб сўради Жой, шунда мен танглайиму тилимда бемаза таъми яна сездим.

Пичирлаб айтиш учун унга жудаям яқинлашиб, пастга эгилдим.

— У сенга хат ёзади, Жой. Ахир у отпуссада-ку.

Шундай деб, қаддимни ростладим.

Бироқ... шефнинг митти янгилиги Жойнинг пайпоғига маҳкам ёпишиб олган бир пайтда ҳафсалам пир бўлди... Бировнинг сирини! — назаримда унга етишиб бўлмайдигандек туюлади, лекин, вой худойимей, уни билиб олишимиз қанчалар осон-а!

— Сен йиртқичга ўхшайсан, Эл, — қуруққина қилиб деди Жой. — Қариб кучдан кетган йиртқичга — калхатга, қузғунга ўхшайсан. Сен савдойисан, Эл. Уёқдаги сизларнинг ҳаммангиз шунақасизлар.

Кулимсираб қўя қолдим. У Ж е к т ў г р и с и д а ҳ е ч н а р с а б и л м а с д и! Одамни ажаблантирадиган ҳол, лекин бу — Жекнинг муваффақиятсизликка учраганини қанча кам киши билса, ўзим иш-



Lituz.com

**To'liq qismini
Shu tugmani
bosish orqali
sotib oling!**